

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

2019-yil 28-may, seshanba 40 (9007)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## ТАДБИРКОР ВА ИНВЕСТИТОРЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мўрзиёев 27 май куни тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ишга тушириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Тадбиркорликни ривожлантириш — мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Кейинги йилларда бизнес муҳитини яхшилаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича фармон ва қарорлар қабул қилинди. Рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширишлар қисқартирилди. “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Yoshlar — kelajagimiz” дастурлари тадбиркорлик истагидагиларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Натижада янги ташкил этилган субъектлар сони 2,3 бараварга кўпайгани бунинг тасдиғидир. Бироқ жойларда бюрократия, таъмагирлик ва тадбиркор фаолиятига тўқинлик қилиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди. Мисол учун, жорий

йилнинг биринчи чорагида Президент Халқ қабулхоналарига тадбиркорлардан 16 мингта мурожаат тушган. Улар асосан ер ажратиш, газ, электр ва сув таъминоти, қишлоқ ҳўжалиги, кредит, солиқ масалаларига тааллуқли. Икки мингта яқин мурожаатда мансабдорларнинг хатти-ҳаракатларидан норозилик билдирилган. Бу муаммоларни тизимли ҳал этиш, тадбиркорларга чинакам кўмак бериш мақсадида жорий йил 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мунозабатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилиши белгиланди. Йиғилишда мазкур қабулхона

лар фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Президентимиз адлия вазир ва Савдо-саноат палатаси раиси раҳбарлигида Республика ишчи гуруҳи тузиб, жойларда тадбиркорлар билан очик, амалий учрашувлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади. Аниқланган муаммоларнинг ҳудудга тааллуқлиси вилоят ҳокимига, республика аҳамиятига молик бўлгани эса Бош вазирга берилиши, улар ҳафтада бир кун қабулхона масалалари билан шугулланиши кўрсатиб ўтилди. Қайд этилганидек, қабулхоналар иши уч босқичда олиб борилади. Аввало, қабулхонада тасдиқланган кунлик жадвал асосида ҳокимликлар, Савдо-саноат палатаси, инвестиция вазирилик, прокуратура, адлия, солиқ органлари, қурилиш, кадастр, банк ва бошқа ташкилотлар вакиллари тадбиркорларни қабул қилади.

Ўз ечимини топмаган мурожаатлар вилоят қабулхоналарига юборилади. Натижа бўлмаса, Вазирлар Маҳкамасининг котибиятида Бизнес омбудсман, Савдо-саноат палатаси ва ваколатли идоралар иштирокида кўрилади. Мурожаатлар шунда ҳам ўз ечимини топмаса, тадбиркорларни Бош вазирнинг шахсан ўзи қабул қилади. Бош вазир қабулхонаси мурожаатларни таҳлил қилиб, бу борада вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Президент Администрацияси ва Олий Мажлисга тадбиркорларга шароитларни янада яхшилаш бўйича таклифлар киритади. Хорижий инвесторларга кўмаклашиш Бош вазир қабулхоналарининг асосий вазифаларидан бири бўлади. Шу боис уларга хорижий тилларни биладиган ва инвесторлар билан ишлаш салоҳиятига эга

кадрлар ишга олинади. Инвестицияларни жалб этишга тўқинлик қилаётган муаммоларни мониторинг қилиш, инвесторларнинг турли идоралардаги муаммосини ҳал қилиб бериш бўйича вазифалар белгиланди. Йиғилишда секторлар ва давлат идоралари раҳбарлари тадбиркорларга ҳар томонлама кўмаклашиши, халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида уларнинг бу борадаги фаолияти муҳокама қилиниши зарурлиги таъкидланди. Мурожаатларни кўриб чиқишда шаффофлик ва тезкорликни таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мурожаатлар ҳаракатини назорат қилишнинг ягона электрон порталини жорий қилиш вазифаси юклатилди. Янги тизимнинг мазмуни ва моҳиятини тадбиркорларга етказиш, жумладан, қабулхоналар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш бўйича ҳам тавсиялар берилди. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиқларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. **ЎЗА**

## ГФР ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мўрзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер 27 май куни расмий таширф билан мамлакатимизга келди.**

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди. Франк-Вальтер Штайнмайер шу куни ўзи учун ажратилган қароргоҳда мамлакатимизда фаолият юритаётган Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Тошкентдаги Гете институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашувлар хизмати (DAAD) каби институтлар вакиллари билан учрашди. Таширфининг асосий воқеалари 28 майга мўлжалланган. Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини, шунингдек, Ўзбекистон — Европа Иттифоқи формати доирасидаги алоқаларни муҳокама қиладилар. Мулоқот чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиш кўзда тутилган. Музокаралар якуни бўйича иқтисодиёт, молия, таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида икки томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар имзолаши мўлжалланмоқда. Таширф асносида Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистон ва ГФРнинг етакчи компания ва банклари, юртимиздаги фуқаролик жамияти вакиллари билан учрашиши, қатор саноат корхоналари ва маданий муассасалар билан танишиши режалаштирилган. Германия Президенти Хоразм вилоятида бўлиб, Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Хива шаҳридаги осори атиқа ва маданий-мъёморий обидаларни томоша қилади. **ЎЗА**

## Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига расман раис сайланди

**Видеомулоқот тарзида амалга оширилган кенгашининг III конференциясида қатор масалалар билан бир қаторда унинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ҳам сўз юритилди.**

— Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожда муҳим тармоқларимиздан бири бўлган қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, фермерлик ҳаракати ўзининг янги ривожланиш босқичига ўтди, — дея изоҳ берди Кенгаш бўлим бошлиғи Соҳибжон Ҳотамов. — Бу давр шаклланиш, тикланиш муддати бўлиб, давлатимиз бош ислохотчи сифатида бизни қўллаб-қувватлаб келди. Қишлоқ ҳўжалиги ерлари ўз эгасини топди. Айни пайтда мамлакатимизнинг энг серҳосил ерларининг қарийб 700 минг гектарини деҳқонлар ва томорқа ер эгаллари тасарруф этмоқда. Агар уларда банд бўлган оилалар тўрт ярим миллиондан зиёдлигини ҳисобга олсак, ушбу соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-миздаги аҳамиятини сезиш мумкин. Бу эса бугунга келиб, ердан фойдаланишни ва фойдаланувчиларни яхлит бир бутун, ҳамкорликда ривожлантиришни тақозо этмоқда. Ўтган икки йилда биз қонунчилик борасида ўндан ортиқ қонун лойиҳасини ишлаб чиқдик. Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг кенгаши мажбурий аъзо бўлиши, экин ерларидан самарали фойдаланиш ёки томорқа эгаларига янги технологияларни олиб киришда, экспорт масаласида кўмак бериш кабилар ҳозирда асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 28 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-бандига асосан Республика кенгашининг Уставига ўзгартириш киритиш белгиланган. Ҳудудлардан мингта яқин вакиллар, турли ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг III конференцияси иштирокчиларининг кўпчилиги овози билан Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг янги таркибдаги Раёсат аъзолари тасдиқланди. Унга кўра, ҳозирга қадар кенгаш раиси вазифасини бажариб келган Ақтам Хаитов раис лавозимига расман сайланди. Жаҳонгир Пўлатов раиснинг биринчи ўринбосари, Фарҳод Набижонов ва Фахриддин Кушанов эса раис ўринбосарлари этиб сайланди. **Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**



## “Ҳазорасп текстил” — НАВБАТДАГИ ЯНГИ КОРХОНА Унда 300 га яқин иш ўрни яратилди

Мазкур замонавий енгил саноат комплексининг ишга туширилиши вилоят иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда ялли ички маҳсулотнинг ортиб боришида муҳим аҳамият касб этади, албатта. Корхонадаги ип-калага ишлаб чиқариш лойиҳаси “Асака банк” ва “Виком Импекс” МЧЖнинг жами 80 миллиард сўмлик инвестиция маблағлари ҳисобига амалга оширилди. Корхонада Швейцария, Туркия ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилиб, йилга беш минг тонна юқори сифатли ип-калага ишлаб чиқариш қуввати мавжуд. Тайёр маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади. Корхонада 300 га яқин янги иш ўрни яратилди. Ушбу комплекс бугунги ислохотларимизга таянч бўлиб хизмат қилувчи лойиҳалардан бири бўлди. Бугунги кунда вилоятда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишининг кластер усулини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудда ҳозирча 6 та енгил саноат кластери ташкил қилинган бўлиб, бундан кейин ҳам ушбу йўналишда ишлар изчил давом эттирилади. 2022 йилгача пахта толасини, 2024 йилгача ип-калагани, 2026 йилгача трикотаж мато ва ип газламаларни 100 фоиз воҳанинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйиш режалаштирилган. **Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**

## Наманган гилоси Лондон савдо расталарида

Гилос энг йирик “Western International Market” бозорида сотилмоқда “Бугун — тарихий кун. Тарихда биринчи марта ўзбек гилоси Британия бозорига етказилди. Ўзбекистон — ажойиб мамлакат, биз бир неча ой аввал Буюк Британия бозорига ўзбек мева-сабзавотларини экспорт қилишга қарор қилдик. Мен Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватловчи, хусусан, Қашқадарё ва Наманган вилоятига таширф буюрдим. Мен катта экспорт салоҳиятини кўрдим ва бу масала бўйича ишлашга қарор қилдим”, дея таъкидлади “AKS Services Group” бош директори Ваис Каис. Унинг сўзларига кўра, Британияда импорт учун жорий этилган сертификация, санитария ва фитосанитария назорати бўйича барча процедураларни ўтди. Каиснинг айтишича, келгусида Ўзбекистон мева-сабзавотларининг экспорт ҳажми янада кўпайтирилади. Яқин вақтларда анор, пиёз, бодринг ва турли куйритилган мевалар экспорти бўйича режалар бор. Эслатиб ўтамиз, ўтган йил июль ойида Хитойнинг Урумчи шаҳрига ўзбек гилоси экспорт қилинган. 2019 йилнинг февраль ойида Президентимиз МДҲ ва Болтиқ мамлакатлари орқали Европа ва АҚШга мева ва сабзавотларини экспорт қилиш бўйича “яшил йўлаклари” йўлга қўйиш бўйича



топириқ берганди. Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2018 йил якуни бўйича янги ва қайта ишланган мева-сабзавотларнинг экспорт ҳажми 37,6 фоизга кўпайди. Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

# ҲАМКОРЛИК:

## ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

**Германия қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлар орасида етакчилардан ҳисобланади. Ушбу давлат қишлоқ хўжалиги энг янги агросаноат технологияларининг амалиётга татбиқ этилиши ва тармоқни механизациялаш ҳисобига юксак кўрсаткичларга эришмоқда.**

Германияда етиштирилган бугдой мамлакат эҳтиёжининг 80, шакар 85, гўшт 60, сут 100 фоизини қоплайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тўртдан уч қисми чорвачилик орқали келади.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги бўйича Ўзбекистон – Германия ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Бундай механизмлар ҳамкорлик бўйича муносабатлар жадаллашувидан далолат беради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳаси Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги инвестицион ҳамкорликнинг ажралмас бўлагидир. Бир қатор йирик немис компаниялари иштирокида мамлакатимизда ташкил этилган саноат корхоналари, хусусан, "LEMKEN Chirchiq" масъулияти чекланган жамияти бунинг ёрқин исботидир.

"LEMKEN GmbH & Co. KG" (Германия) ўсимликшунослик соҳасига махсус маҳсулотлар етказиб берувчи йирик халқаро компания ҳисобланади. Корхонанинг маҳсулот турлари сирасига юқори унумдорликни таъминловчи, ерга ишлов бериш, экиш ва ўсимликларни муҳофаза

қилишга мўлжалланган юқори сифатли техника воситалари кирди. Корхона фаолияти тўлиқ инновацион асосга қурилган.

"LEMKEN Chirchiq" қўшма корхонаси асосан қишлоқ хўжалиги учун юқори унумдорликни таъминловчи плуглар, ротация ва диски бороналар, механик сеялкалар, культиватор ва бошқа экиш ва ерга ишлов бериш механизмлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Бундан ташқари, компания конструкторлик-технологик бўлимида ҳузурида ерга ишлов берадиган машиналарнинг янги истиқболли турлари ҳамда турли ишлаб чиқариш ускуналарини яратиш билан ҳам шуғулланади. "LEMKEN GmbH & Co. KG" қишлоқ хўжалиги машиналари ва қўшма корхона маҳсулотларини таъмирлайди ва уларга техник хизмат кўрсатади.

Қўшма корхонада маҳсулот тури ва ҳажмини ошириш юзасидан кенг қўламли ишлаб амалга оширилмоқда. Бу ерда ясси, қувурсимон, айлана шаклидаги, штампловчи, йиғма-пайвандли ҳамда қуйма эҳтиёт қисмлар яратиш ва ишлаб чиқариш бўйича ҳам иш олиб бориляпти. Бу борада "Тошкент механика заводи" ОАЖ, "Электроаппа-



рат-Электроштит" ОАЖ қўшма корхонаси, Қуюв-механика заводи, "Тошкент подшипник заводи" ОАЖ, "Инструмент", "Imex Group" масъулияти чекланган жамиятлари каби корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

"LEMKEN"нинг EurOpa 7 3+1 осма айланма плуги, VarioPack 110 WDP70 ер зичлов ускунаси, Zirkon 8/250 ротацион борона каби маҳсулотлари Ўзбекистон давлат сертификатция ва қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда технологияларини синовдан ўтказиш марказида мамлакатимиз ёр-иқлим шароитига мослаштириш мақсадида муваффақиятли синовдан ўтказилди. Таъкидлаш жоиз, "LEMKEN Chirchiq" маҳсулотларига Марказий Осиёнинг барча давлатларида талаб борган сари ошиб бораёти.

– Корхонамиз асосан тракторларга тиркама ускуналар тайёрлашга ихтисослашган, – дейди "LEMKEN Chirchiq" МЧЖ қўшма корхонаси бош директори Раҳ-

матулла Раҳметов. – "Агрегат заводи" акциядорлик жамияти таъсисчимиз ҳисобланади. Ҳозиргача 4 турдаги маҳсулот маҳаллийлаштирилди. Аҳамият-лиси, фойдаланилаётган эҳтиёт қисмлар ҳиссасининг кўпайиши битта тайёр маҳсулот нархи 30-50 миллион сўм эронлашишига хизмат қилапти.

Корхонада ҳозир Standart 7 Plus 3/1 осма айланма плугнинг таксимлаштирилган варианты ишлаб чиқариляпти. Маълумки, эндиликда қишлоқ хўжалиги экинларини экишда қатор брасийни кенгайтириш таърибаси қўлланилмоқда. Бундан айнан Standart 7 Plus 4/1 осма айланма плугига талаб кучаяди. Қўшма корхона агрегатларининг ишлаб чиқаришга тўлиқ жалб қилиниши натижасида, масалан, пахта ҳосилдорлиги гектарига 60 центнердан 110 центнерга кўтарилди.

Жорий йил июль ойида "LEMKEN GmbH & Co. KG" ком-

панияси бош директори Ван Дер Лейнинг мамлакатимизга ташири-фи қилинган. Учрашувлар чоғида бир қатор янги инвестицион лойиҳалар, икки томонлама тақлифларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

Ван Дер Лей бир вақтнинг ўзида Европа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар уюшмаси раиси ҳам ҳисобланади. Қолаверса "LEMKEN" қишлоқ хўжалиги соҳаси учун эксклюзив техника ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи. Ушбу компания билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхона Марказий Осиё давлатлари орасида фақат Ўзбекистонда фаолият кўрсатади. Умуман, Ван Дер Лейнинг таширифи йирик хорижий ташкилот ва компанияларнинг Ўзбекистонга юксак ишончи, мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга нисбатан эътирофидан далолатдир.

Ҳайрат ХОННАЗАРОВ, Ўза муҳбири.

## Қишлоқ хўжалиги илми

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида Академик симпозиум бўлиб ўтди. "Марказий Осиёда қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиши", "Sustainable Agricultural Development in Central Asia" (SUSADICA) дастури бўйича очиқ маърузалар айниқса, эътиборга молик бўлди.**

Германиянинг Гиссен университети профессори Мартин Петрик "Иқтисодий-ижтимоий фанларнинг қишлоқ хўжалиги ривожидagi ўрни" ҳамда Корея Республикасининг Кангвон Миллий университети профессори Кванг Рианг Кимнинг "Марказий Осиёдаги суғориладиган қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялаш: ислохотлар ва унинг ижтимоий оқибатлари" мавзусидаги маърузалари манфаатли ҳамкорлик борасидаги ижобий ишларимизнинг самараси, дейиш ўринлидир.

Дастур мақсади, Марказий Осиёда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши билан боғлиқ масалаларга қаратилган иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик барқарорликни йқодловчи йўналишлари бўйича 5 та фермер хўжаликларни реструктуризацияси ва муҳнат муносабатлари, қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар, аграр сисёат, атроф-муҳит ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсири, сув ресурсларини бошқариш мавзуларида илмий тадқиқотлар олиб боришдан иборат.

ТИҚХММИда 10 нафар докторант илмий тадқиқот олиб бормоқда. Ушбу мақсадларни амалга оширишда ва тадқиқотчиларга қулай илмий муҳит яратиш мақсадида институтда барча имкониятлар яратилган. Жумладан, ушбу структурвий докторантура дастури домида ТИҚХММИда PhD тадқиқот тренинглари, турли нуфузли олимлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари маърузалари, семинар ва конференциялар, турли тақдимотлар ўтказилди.

Шу билан бевосита боғлиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Академик инновацион фонди (АИФ) гранти асосида "Аграр инновациялар ва ресурслардан фойдаланиш бўйича предметларро иқтисодий лаборатория" лойиҳаси юзасидан қисқача маълумот келтираимиз.

ТИҚХММИда "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" магистратура мутахассислиги бўйича ўқув дастурларини такимллаштириш ҳамда профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти ва малакасини ошириш бунда асосий мақсад ҳисобланади.

Германия ва ТИҚХММИ олимлари ҳамжиҳатлигида ташкил этиладиган инновацион "Аграр инновациялар ва ресурслардан фойдаланиш бўйича предметларро иқтисодий лаборатория"да тандемда ишлашади. Ушбу экспериментал лаборатория иқтисодий ва техник-муҳандислик фанларини бир-бирига боғлаган ҳолда фаолият юритади.

Ўқув дастурларини такимллаштиришда лойиҳа иштирокчилари учун Германия ва ТИҚХММИда турли мавзуларда, жумладан, танқидий ёндошув академик ёзиш, тақдимот санъати бўйича семинар-тренинглр ташкил этилади.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ, ТИҚХММИ матбуот котиби.

### Сирдарё вилояти

## Эҳтиёжмандларга янги уй-жойлар

**Ховос туманининг Туркистон массивида ҳар бири 12 хонадонга мўлжалланган 2 та икки қаватли турар жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. "Сайхун Жавоҳир бунёдкор" ва "Янгийер таъмир сервис қурилиш" масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари барпо этган уй-жойлар қурилишига 3 миллиард 652 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди.**

Мазкур уй-жойларнинг 16 та хонадони кам таъминланган, ногирон ва эҳтиёжманд хотин-қизларга берилди. Дастлабки бадал тўловлари Республика Хотин-қизлар жамоат фонди ва ҳимий ташкилотлар томонидан тўлаб берилган. Икки ва уч хонали уйларда барча шароитлар яратилган. Уйларнинг ҳовлисида тўртта дам олиш

майдончаси бунёд этилиб, олдига гуллар экилган. Уй-жойга эга бўлган аёллар ҳозирда Ховос темир йўл депоси ва "Ўзпахтасаноат" АЖ тизимидаги корхоналарда касаначи сифатида фаолият кўрсатаёпти. Шу боис, улар замонавий тикув машиналари билан таъминланган. Вилоят ҳокими Ф. Мирзоев Президентимиз бошлаб

берган бешта ташаббус доирасида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш устувор вазифа этиб қўйилганлиги, бугун яратилган қўлайлик ва катта эътибор асосида уларнинг ҳам уй-жойли, ҳам касаначи сифатида ишли бўлганлигини фахр билан таъкидлаб, муборак кунларда уйли бўлганликлари билан қутлади. Ўзбекистон


Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т. Норбоева 16 нафар уй-жойга муҳтож хотин-қизга янги уйларнинг қалитлари ва ҳар бирига совға сифатида микропечларни тантанали равишда топширди. – Уч фарзандим ва ногирон эрим билан уй-жойсиз қийналиб яшаб келаётгандим, – дейди янги уй соҳибаси Саломат Маматқулова. – Бугун ҳар жиҳатдан шинам уч хонали уйга эга бўлдим. Республика Хотин-қизлар жамоат фонди уйимизнинг



бошланғич бадал тўловини тўлаб берди. Узим эса Ховос темир йўл депосига касаначи сифатида ишга жойлашдим. Дено мени тикув машинаси билан таъминлади. Уйимда ҳозир темирйўлчиларнинг

махсус кийим-бошларини тикляман. Бизга шундай гамхўрлик кўрсатилганлигини учун ўз миннатдорлигимни билдирдим. Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

**Одамларда давлат органларига нисбатан ишончсизликни уйғотадиган коррупцияга қарши бугун жаҳонда жиддий курашлар олиб борилмоқда. Дунё давлатлари орасида Сингапур коррупцияга қарши курашишда юқори самарали натижаларга эришаётган давлат сифатида эътироф этилади. Сингапурда айнан коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича махсус бюро ташкил қилинган бўлиб, ушбу орган сийсий ва функционал жиҳатдан мутлақо мустақил ҳисобланади.**



## ТАРАҚҚИЁТ БОВИ

Мазкур органнинг коррупцияга қарши курашишдаги асосий вазифалари сирасига давлат сектори ва хусусий сектордаги коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва тергов қилиш кирди. Сингапурда коррупцияга қарши курашиш сисёатининг бош ғояси – коррупциявий жиноят субъектларининг коррупциявий ҳаракатларини содир этишларига имконият ва манфаат яратувчи ҳолат ва шароитларни бартараф этишдир. Бунда давлат хизматларидан

фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар, мансабдорлар билан юзма-юз мулоқотга киришмаслик принципига таянади. Ушбу давлатда оддий фирмани давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб то экспорт операцияларини амалга ошириш учун талаб этиладиган тегишли расмиятчиликларга фақат электрон тарзда амалга оширилади. Давлатнинг хусусий сектор фаолиятига аралашуви эса энг паст даражада. Яна бир хорижий мамлакат

– Англияга назар ташласак, унда ҳам бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Шу йўналишда қабул қилинган қатор қонунларнинг хусусиятларидан бири, мансабдор шахсга жамият олдида ўзининг айбисиз эканлигини исботлаш мажбурияти юклатилишидир. Шунингдек, ушбу мамлакатда доимий

равишда коррупцияга қарши курашишининг таъсирчан механизмининг яратишга эътибор қаратилади. Дунё таърибасидан келиб чиққан ҳолда, қонунчилигимизга ҳам кўплаб ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, санкциялар оғирлаштирилиши баробарида либераллаштирилди. Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан қатъият билан борар экан, бунда, албатта, ҳар

бир давлат органи ва мансабдор шахсдан чуқур масъулият ва кучли билим талаб этилади. Буни улар ич-ичидан ҳис этмоғи ва шу йўлда собитқадамлик билан иш олиб бормоғи керак.

Сирасини айтганда, порахўрлик ва коррупция тараққиёт кўшандаси. Бу иллатларни жамиятдан буткул йўқотиш душвор, аммо яратилган ҳуқуқий механизм ва аниқ чора-тадбирлар натижасида кескин камайиши мумкин. Дунё ҳамжамияти ҳам ушбу жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни бежиз қучайтираётгани йўқ! Бу борада қутилган натижага эришиш учун энг аввало, аҳолининг ҳуқуқий билимини мунтазам ошириб бориш зарур. Ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини янада такимллаштириш орқали давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунларга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш лозим.

Асадбек БЕГИМОВ, ИИБ Самарқанд академик лицейи ўқувчиси.

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, жиноят ишини тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида ўтказилиши белгиланди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига белгиланган ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича суриштирув шаклида тергов ҳаракатлари ўтказилади.**

## Жиноят процессуал қонунчиликда суриштирув органлари фаолияти

Суриштирувнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада такимллаштирилиб, жиноят процесси иштирокчиси сифатида терговчи қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлса, суриштирувнинг ҳам худди шу каби ҳуқуқ-мажбуриятлардан фойдаланиши қонунчиликда мустаҳкамланди.

Эндиликда суриштирув ўтказиш ваколати тўртта орган, яъни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлиналари, Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлиналари суриштирувчиларига берилди.

Суриштирув, жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов далолатномаси, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома киритиш билан яқунланади.

Суриштирув ҳаракатларини олиб бориш жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаслиги лозим. Суриштирув якуни бўйича айблов далолатномаси соддалаштирилган шаклда тузилади ва суриштирувда аниқланган ҳолатлар, айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган айбловнинг мазмуни, шунингдек, суриштирув давомида аниқланган ва ушбу жиноят иши учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олади.

Айблов далолатномаси суриштирувчи томонидан имзоланади ва суриштирув бўлимаси бошлиғи билан келишилгандан сўнг жиноят иши дарҳол прокуратура юборилади.

Ўз навбатида, айблов далолатномаси билан келган жиноят ишини судда муҳокама қилиш мuddати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан бир ойдан ошмаслиги белгиланди. Қонунчиликка киритилган бу ўзгаришлар жиноят ишини тергов қилишнинг тезкорлигини таъминлайди, терговчилар ишнинг сифати ва дастлабки терговнинг самарадорлигини оширади.

Сайёра СОБИРОВА, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси курсанти.

# Кластердан

## ФЕРМЕР МАНФААТДОР БЎЛСА...



Хоразм вилояти

Ўтган йилдан бошлаб мамлакатимизда пахта тўқимачилик кластерини кенг жорий этишга киришилди. Бу ўз навбатида қўтилган натижаларни бермоқда. Хоразм вилоятида ўтган йили Шовот тумани фермерлари ишбу усулни синов қўришган бўлса, жорий йилда вилоятнинг Хонқа тумани деҳқонлари ҳам пахтачиликда кластер усулига ўтишди. Мухбиримиз Болтабой Матқубовнинг яқинда ишбу туманда бўлиб, хонқалик фермерларнинг ишлари билан танишиб қайтди.

### Янгича ишлаш – замон талаби

Пахтачиликда инновацион технологияларни кенг жорий этиш, ерни ҳақиқий эгасига топшириш ва ундан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш омилларини излаш бугунги кун деҳқонининг олдида турган долзарб вазифалардандир. Бунда, албатта, адолатлилик ва шаффофлик асосида ўтказилган фермерлик танловлари, яъни, мақбуллаштириш жараёнлари ва, албатта, пахтачиликда кластер усулини жорий қилишимиз яхши самаралар беради. Негаки, фермерда манфаатдорлик ошсагина унинг ишга, ерга ҳаваси ортади.

Кластер усулини ўрганиш ва қўллаш жаҳон ҳамжамиятида тез суръатларда ўсиб бормоқда. Уни амалиётда қўллаш эса миллий ва минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишига айланмоқда. Бу бир технологик тизимга жамланган корхоналар, яъни фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашган мажмуадир. Пахта тўқимачилик кластери эса нафақат енгил саноатни, балки ўз йўлида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади. Пахта хомашёсидан 25 турдан зиёд маҳсулот тайёрланишини биламиз. Масалан, бир тонна пахтадан ўртача 360 килограмм мومик пахта, 110 килограмм пахта ёғи, 16 килограмм совун олинади. Шунча толадан 7 минг 200 метр мато, ундан 54 минг метр фалтак ип юзага келади ва ўнлаб турдаги ҳаёт учун зарур бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Қолаверса, фармацевтика саноатида қўлланиладиган моддалар, чигитидан чорва учун озуқа, ҳаттоки, гўзапоясидан биогаз, ёғоч материаллари тайёрлаш имкониятини ҳисобга олсак, унинг аҳамияти янада ойдинлашади.

Жорий йилда туманимизда 172 та пахта ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари 30 минг 150 тонна пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича "Xorazm tex" масъулияти чекланган жамияти (кластери) билан контрактация шартномаларини имзолашди. Туманда пахтачилик тўлиқ кластер усулига ўтди.

Айни кунларда туман бўйича 10 минг 65 гектар гўза майдонларида агротехник ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Яқинда эълон қилинган "Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг мамлакатимиз фермерларига Мурожаатномаси"ни ўқиб, июнь-июль ва август ойларида фермерларимиз билан гўза парваришини жадаллаштириш ва қилинадиган ишлар юзасидан келишиб олинди.

Гўза парвариши туман бўйича 40 та отрядга бўлинган ҳолда, наряд усулида олиб борилмоқда. Механизаторлар ишини тизимли йўлга қўйдик. 12 та ҳудудда 12 та "механизаторлар уйи" ташкил этилиб, уларга шароитлар яратилди. Ҳар бир механизаторга 2 миллион сўмдан иш ҳақи ва рамазон ойи муносабати билан биттадан кўчқор мукофот тарикасида тарқатилди.

Ҳозирги ҳар бир кунни ганимат билиб, астойдил ишлаган деҳқонгина ютқазмайди.

**Ҳасанбой СОБИРОВ,**  
туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари.

### Кластернинг афзаллиги ҳозирданоқ сезилмоқда

Пахта етиштиришда кластер усулига ўтиш фермерларнинг айни кўнглидаги иш бўлди. Зеро, замон билан ҳамнафас бўлиш, пахтачиликда янги технологияларни қўллаб қўриш, меҳнатимизга яраша ҳақ олишимиз ишимизнинг унумдорлигини оширади.

Кластернинг афзалликлари ҳозирданоқ сезилмоқда. Олдинлари ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғит олишда бир мунча қийинчиликларга дуч келган бўлса, кластерда бу нарсалар ҳеч бир муаммосиз ҳал этилапти. Фермерлар яхши билишади, керак пайти ўз вақтида берилмаган минерал ўғит ёки ёнилғи етишмаслигидан кечиккан культивация пахта ҳосилдорлигининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади. Эндиликда бу каби камчиликлар барҳам топди.

Бу йилги мақбуллаштириш жараёнида ер майдонимиз 105 гектардан ортди. Шундан 65 гектари "Хоразм-150" навли чигит эқдик. Айни кунларда гўза парваришига зўр беряпмиз. "Xorazm tex" МЧЖ томонидан бириктирилган агрономларнинг тавсияси билан барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариб келяпмиз.

Гўза қатор ораларида икки марта озукали культивация, бир марта чуқур юмшатиш ва бардан озиклан-тириш каби тадбирлар амалга оширилди. Гўзани чопиқ қилиш ва бегона ўтлардан тазалаш ишларига доимий ва мавсумий ишчиларни жалб қилдик.

Туманимизда пахтадан 40 центнер ва мунчадан 40 центнер ҳосил олувчи фермерлар қаторида юрганимдан фахрланаман. Ўтган йили ҳам ҳо-



силдорликни гектарига 40 центнерга чиқарган эдик. Бу йил ҳам жамоамиз билан ўтган йилги натижани мустақамлаш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

**Акмал МАТЌУБОВ,**  
"Акмал Матқубов"  
фермер хўжалиги раҳбари.

### Фермер билимли бўлиши лозим



Тумандаги энг ёш фермерлардан бири бўлсан керак. Эндигина 32 ёшга кирган бўлсам, мана уч-тўрт йилдан бери фермер хўжалигини бошқариб келяпман. Туманимиз-

дагина эмас, вилоятимиздаги уста пахтакорларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, улар яратган "пахтачилик мактаби"дан таълим олишдан чарчамайман. Ҳозирги давр фермери билимли бўлиши керак, деган хулосага келганман. Қўлланаётган янги инновацион технологиялардан бохабар бўлиш, янги техникалар ва уларни амалиётга жорий этишдаги янгиликларни билиб бориш, яхши самара беришини англаб етдим.

Кластер ва унинг афзалликлари ҳақида тушунчага эга бўлиш учун ўқиб, ўрганилман. Яқинда вилоятимизнинг Шовот ва Янгибозор тумани фермерларининг иш тажрибаларини ўрганиб қайтдим. Кластерда пахта етиштириш учун далаларни шунга яраша текис қилиб тайёрлаш керак

экан. Иложи бўлса, кичик-кичик қаргаларни йириклаштириш яхши самара беришини ана шу фермерларнинг иш тажрибаларидан англадим. Бугунги кунда гўзалар баравж ўсмоқда. Ҳозирда далаларда гўзалар 5-6 чинбарг фазага тўлиқ ривожланмоқда. Бундан ташқари, 30 гектар майдонда ўстирилаётган бугдой ҳам етилиб қолди. Қолган майдонларга полиз экинлари, жумладан, Хоразмнинг "қорагўлоби", "бўриқалла", "туркмени", "гурвак" каби қадимий қовун навларидан эдик. Насиб этса, бу қовунлар билан аънанавий ўтказил-ладиган "қовун сайли"да қатнашиш ниятимиз бор.

**Одилбек ЖУМАНИЕЗОВ,**  
"Отабек гарчак"  
фермер хўжалиги раҳбари.

### Хирмон залворли бўлади



моқда.

Фермер хўжалигимиз ташкил толган йилдан буён пахта ва ғалла топшириш йиллик режаларини уddалаб келмоқдамиз. Жорий йилда 30 гектарга ғалла эқдик. Ғалла майдонлари сифатли парваришланмоқда. Насиб этса, йиллик режани ошиги билан уddалаш ниятидамиз.

Фермер хўжалигимизни кўп тар-

моқли қилиб, янги иш ўринлари яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Маҳалла марказида тикув цехи, ун тегирмони ишлатишни бошладик. 40 бошдан ошқ қорамолимиз бор. Кейинчалик бу тармоқни янада кенгайтиришни режа қилаяпмиз.

**Бахтиёр ИСЛОМОВ,**  
"Исломов Бахтиёр"  
фермер хўжалиги раҳбари.

### ЎЭълон

#### Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

### ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 24 майдаги 574-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк такоран қўйилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзақ туманида жойлашган, умумий майдони 2600,45 кв.метр, қурилиш ости майдони 1462,15 кв.метр, савдо расталари, авто-турароқ 3 та литердан иборат, 1 қаватли "Қораўзақ деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 5 081 062 661 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 4 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Ол-

мазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 4 июнь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 7, 11 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг аққонда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан



кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмасор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмасор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Фарғона вилояти

Келажагимиз ворислари бўлган ёшларни маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда бадий адабиётнинг аҳамияти жуда катта. Ёшлар ўртасида китобхонлик даражасини янада ўстириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

## Фарзандларимиз китоб ўқишу фикрлашдан тўхтамасин!

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусда ҳам айни масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, Ахборот-ресурс маркази фаолиятини яхшилаш, уларда китобхон-ўқувчилар сонини кўпайтириш ва аҳолига хизмат кўрсатишни юқори даражага кўтариш, коллеж ўқувчиларининг китоб ўқишга иштиёқини ошириш мақсадида Кува қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежиди "Маърифат қарвони" номли китоб акцияси ўтказилди. Акция давомида коллеж муҳандис педагоглари ва ўқувчилари томонидан коллеж Ахборот-ресурс марказига 300 дан зиёд бадий адабиётлар ҳада қилинди.

Китоблар турли мавзуларга оид бўлиб, ҳар бирининг ўз ўқувчиси албатта, топилади. Бу эса китобхонликнинг омдалашуви, коллеж талабаларининг ахлоқий-маънавий ҳаётига ижобий таъсир қилади.

Бу каби акциялар ёшларнинг бадий адабиётга бўлган қизиқишини янада оширади. Оилада ота-оналар ҳам фарзандларининг китоб мутолаа қилишларига алоҳида эътибор қаратсалар, янада яхшироқ натижаларга эришишимиз мумкин.

Зеро, Д.Дидронинг "Одамлар китоб ўқишдан тўхта-салар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар", деган гапини ҳеч қачон эсдан чиқармайлик!

**Собира РАҲМОНОВА,**  
Кува қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежи АРМ раҳбари.

### ЎЭълон

#### Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ ТАКРОРИЙ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 27 майдаги 578-сонли буюртманомасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Қонлиқул туманида жойлашган "Қонлиқул деҳқон бозори" МЧЖнинг 1 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 17000 кв.метр, қурилиш ости майдони 2619,6 кв.метр, 5 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 4 152 364 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 4 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмасор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар муddатли бўлиб тўлаш шарт билан 5 (беш) банк иш куни ичида сотувчи билан тегишли мулкнинг сотилиши баҳосидан 15 фоиз миқдоридидаги суммани тўлаб бериш ва қолган 85 фоиздан иборат суммани кўпи билан 5 йил муddатга белгиланган жадал асосида ойма-ой бўлиб-бўлиб тўлаб бериш шарти асосида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади, шунингдек, 2019 йил 4 июнь куни сотилмаган тақдирда 2019 йилнинг 31 декабрига қадар ҳафтанинг ҳар жума куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: – юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг аққонда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмасор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмасор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Ўзбекистон - Ватаним менинг!

Юракларга туташ ришталар

Шу йил 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Президент фармонида асосан турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб келатган бир гуруҳ аёллар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди.



Президентимиз мукофотни топириш эканлар, "Телевизорда кўряпман, куйиб-пишиб гапирасиз доим. Раҳмат, сизга. Наманганликларнинг барчасига саломимни етказинг", - дедилар.

киш кунларида қўлида олти ойлик гўдаги, ёнида кекса устози ҳамроҳлигида тумандаги раҳбарларнинг эшигига жуда кўп бора катнади.

хонадан чиқиб кетдим. Ўша куну жума эди, то уйга келгунча йиғлаб келдим. Ҳатто, янги мактаб қурилишини эпловмай-диган бўлсам, директорликдан воз кечишим керак, деган қарор ҳам қилдим...

Ўшанда орадан бир кун ўтиб, яъни яқшанба куну Махфиратхоннинг уйи эшиги олдига совхоз директорининг "Виллис"и келиб тўхтади.

Биз билан юринг, сизни шахсан Абдуразақовнинг ўзи сўраяпти, - дейишди. Махфиратхон ҳаммасини тушунди, тахмин қилди. "Менинг масалами кўриш учун келибди-да, майли, партиядан ўчиришсин, директорликдан олишсин! Бошга тушганини кўз кўради", деди ўзига ўзи. Бироқ уни мактабга эмас, совхоз ҳудудидидаги эски, қаровсиз қолган молхонага олиб боришди.

Мана шу ерга 720 ўринли янги мактаб қурилади, эртаданок молхонани бузишни бошланглар, - деди у. Сўнг Махфиратхонга юзланиб: - Қанийди, ҳамма сиз каби бўлса, сиз каби ёниб ишласа, - деди.

Ростдан ҳам эртасиданок молхона бузилиши бошланди. Бироқ янги мактаб қурилиши айтишганига осон эди, холос. У битгунча

директор яна кўп раҳбарларнинг эшикларидида сарғайди, мутасаддиларнинг керак-нокерак рухсатномаларини олиш учун куну тун ҳаловат нима билмади. Ишчи кучи етишмасди, халқни, ёшларни ҳашарга чорлади. Керак бўлса, ўзи ҳам енг шимариб, қурувчилар сафиди бўлди. Хуллас, ортага чекинмади. Тўққиз ой деганда янги мактаб қуриб битказилди.

Янги, кенг ва ёруғ синфхоналарда дарс бериш жуда мароқли эди, - дея сўзини давом эттиради опа. - Бироқ бу бахт менга кўлга насиб этмади. Қўярдан кўймай мени совхозга партком эриб сайлашди. Қанча қаршилик кўрсатмай, шу вазифага қўйишди. Бу мактаб директорлигидан анча машаққатлироқ эди...

Махфиратхон опа босиб ўтган ҳаёт йўллари ҳақида сўзлар экан, кўз ўнгимда одамлар учун, уларнинг яхши яшамоғи, манфаати учун умрини, куч-ғайрати, бутун иқтидорини сарф этган қаҳрамон аёл қиёфаси акс этади. Янгиқўрғон ва Чортоқ туманлари битта туманга айлантирилган, Чортоқ шаҳри вилоятнинг

таянч, намунали шахри этиб белгиланган эди. Махфиратхон унинг раҳбари этиб тайинланган, унлаб болалар боғчалари қурилишига бош бўлди. Шаҳарда бир нечта бутун республикага машҳур сийхатгоҳлар қурилди.

Бундай бунёдкорлик ишлари рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Аксариятини вилоятда ҳам узоқ йиллар масъулиятли вазифаларда фаолият юритган Истамқулова Махфиратхон опа номи билан боғлашга ҳақлимиз.

Кўз тегмасин, ҳамон шахду шижоатли Махфиратхон опа 1997 йилда ташкил этилган Наманган вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Вилоятимизнинг 67 та қишлоғи Қирғизистон Республикаси билан чегарадош, - дейди опа бу борадаги фаолияти ҳақида сўраганимизда. - Бу қишлоқда ўзбеклар ва қирғизлар бир-бирига жондош, қавм-қариндош, қуда-анда, дўст-биродар бўлиб яшамоқда. Ўзбек ва қирғиз миллатларини асло бир-биридан айириб бўлмайди. Буни юракдан англаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан давлат чегараларида янги, ҳар икки мамлакат фуқаролари учун қулай ва осон тартиб жорий этилди.

Махфиратхон опа билан суҳбатлашсангиз, янгиқўрғонча лаҳжада шунақа гап берадики, унинг асли миллати қирғизлигига гумон қиласиз. Қирғиз билан гаплашганини кўрсангиз, ўзбеклигини унутасиз. Икки элга меҳр кўприги бўлаётган ва аёлининг жасоратлари мақтовларга муносиб.

Айтганча, Махфиратхон опа минглаб ўзбекистонликлар қатори Ҳаж зиярати ҳам бориб келган. Унга ҳозир Ҳожиди она, деб мурожаат қиладилар.

Дилбар ҲАЙДАРОВА, Наманган вилояти.

Таассуф



Қопқоқми ё Қопқонми?

Бизнесда рекламанинг аҳамияти беқиёсдигини яхши биламиз. Қайсики, маҳсулотнинг рекламаси зўр бўлса, бозори ҳам чаққон бўлади. Лекин кейинги пайтларда шундай рекламалар пайдо бўляптики, кишини жиддий ўйлантиради.

Аксарият ўқувчилар "қопқоқ йиғиш вазиваси"га тушиб қолган. Ота-она фарзандига мактабда бирор егулик олиб ейди, деб пул беради. Қопқоқ жиннисига айланган фарзанд эса қорни очиб кетгани билан иши йўқ, албатта, ўша пулга энергетик ичимлик сотиб олади. Хуллас, қўлига пул тушди, дегунча дўконга юради ва ўша ичимликдан харид қилиб, умид билан қопқонини буради.

Бу масалалар билан маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг иши йўқ, албатта! Лекин бу жамиятимиз, келажак ҳаётимиз учун жиддий масалаку! Қимларнингдир чўнтаги қаппайиши эвазига, жамият, келажак эгалари зарар кўриши адолатдан эмаску! Мен буни энг аввало, она сифатида, ёш авлод таълим-тарбияси сифатида жиддий ўйлаб кўришни зарур, деб ҳисоблайман.

Дилшода ПРИМОВА, Сергели туманидаги 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Митти хикоялар

Тезда қайтган тўёна

Аспирантлик, янги кўвечлик ва ижарачилик кезларимда профессор ҳамқишлоғим тўй қилди. Кўплар тўёна беришди. Мен ҳам улардан қолшмаслик учун битта қизил пулни унинг чўнтагига солиб қўйдим.

... Биттасини қарзимга бердим, биттасига туфли сотиб олдим.

Нодонлигим

Отам юз ёшларда эди. Бир гал уйга борганимда нима жин урдию билмай қолиб, атаб қўйган пулнимни отамага санаб берибман. Отам пулни олар экан, кулим-сирганича деди: "Отага ҳам пулни санаб берадими, ўғлим?"

Эҳ, отажон! Бу нодонлигимдан ҳамон пушаймондаман.

Реклама

Реклама ва эълонлар

Advertisement for 'BOGISTON DURNONASI' M-OK (STIP 300001045) with details on financing and contact information.

Advertisement for 'UZAuto' featuring various truck models like KAMAZ 5490, 5460, 6460-26001, and 6460-001 with prices and specifications.

Advertisement for 'PLANETA SERVIS' featuring 'ТРАКТОРВОР.UZ' and '«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ'.

Advertisement for 'ТОГЛАР' featuring 'МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!' and listing various tractor models and services.

Advertisement for 'QISHLOQ HAYOTI' with contact information for the publisher.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ' with contact details for the editor.

Advertisement for 'Худудлардаги муҳбирлар' with contact information for regional correspondents.

Advertisement for 'Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги' with contact details for the press agency.

Advertisement for 'ISSN 2010-7021' with a barcode and contact information.